



**ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ  
ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛАМАЙ  
ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАЙЁРЛАШ, ЭГАЛЛАШ, САҚЛАШ  
ВА БОШҚА ҲАРАКАТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ  
БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

*Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли. ИИВ Академияси, Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант. Илмий мутахассислиги: 12.00.13 – Инсон ҳуқуқлари. ORCID: 0000-0003-3990-1191.*

*Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли. Преподаватель кафедры государственно-правовых дисциплин и защиты прав человека Академии Министерства внутренних дел, старший лейтенант. Научная специальность: 12.00.13 - Права человека. ORCID: 0000-0003-3990-1191.*

*Choriyev Mahmudjon Ahmad o'g'li. Teacher of the Department of State-legal disciplines and ensuring of human rights of the Academy of the Ministry of Internal Affairs, senior lieutenant. Scientific specialty: 12.00.13 Human rights. ORCID: 0000-0003-3990-1191.*

**Аннотация:**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли нормалари (айниқса, 273-модда ва бошқалар) доирасида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш (сотилиши) мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш, ўтказиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва бошқа ҳаракатларнинг жиноят-ҳуқуқий таҳлилига бағишланган. Мақолада ушбу жиноят таркибининг объектив белгилари (ҳаракат, объект, оқибат ва сабаб-оқибат боғлиқлиги) ҳамда субъектив белгилари (айбдорлик шакли, мотив ва мақсад) батафсил ўрганилган. Қонунчиликнинг долзарб муаммолари, суд амалиёти ва илмий-



назарий ёндашувлар таҳлил қилинган ҳолда, жиноят таркибининг квалификация қилишдаги мураккаб масалалар, шунингдек, ушбу жиноятларнинг бошқа моддалар билан чегараланиши кўриб чиқилган. Тадқиқот натижасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **Калит сўзлар:**

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, аналоглар, қонунга хилоф тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш, ўтказиш мақсадисиз, объектив белгилар, субъектив белгилар, жиноят таркиби, жиноят-ҳуқуқий таҳлил, Жиноят кодекси 273-модда, квалификация, суд амалиёти, наркотик моддалар.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан муомала қилиш тартиби «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август қонуни билан белгиланади<sup>1</sup>. Ушбу қонунга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар вапрекурсорларнинг қонуний муомалада бўлиши олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш) тартибга солинган. Бироқ, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилиш жамиятимиз хавфсизлигига, инсонларнинг соғлиғига жиддий хавф туғдириши ҳаммага маълум. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жавобгарлик амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми олтинчи бўлимнинг XIX бобида белгиланган.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 813-И-сон Қонуни.



Жиноят қонунчилигида «гиёҳвандлик воситалари ёки психотропмоддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборатжиноятлар» тушунчаси мавжуд эмас, бироқ жиноят ҳуқуқиназариясида *бу турдаги жиноятлар деганда*, жиноят қонунида жазоқўллаш таҳдиди билан назарда тутилган, инсон соғлиғи билан боғлиқжамоат хавфсизлигини, гиёҳвандлик воситалари ёки психотропмоддалар билан муомала қилиш тартибини таъминловчи ижтимоиймуносабатларга тажовуз қилувчи, айбли ижтимоий хавфлиқилмишлар тушунилади<sup>2</sup>.

Тадқиқ қилинаётган мавзу «гиёҳвандлик воситалари ёки психотропмоддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборатжиноятлар»нинг бири тури бўлгангиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар учун Жиноят кодексининг 276-моддасида жинойий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддасига мувофиқ, жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноят кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> *Отажонов А.А.* Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 8.; *Расулев А.А.* Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 5.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [2021 йил 10 сентябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан] – Т.: 2021 й. – Б. 9.



Жиноят таркиби — муайян ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб баҳолаш учун энг кам ҳамда етарли объектив ва субъектив белгиларнинг йиғиндисидир<sup>4</sup>. Ҳар қандай жиноят таркиби каби, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларнинг таркиби объектив (объекти, объектив томони) ва субъектив (субъекти, субъектив томони) белгилардан иборат. Ушбу белгилардан лоақал биттаси бўлмаса, қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмас, деб топилишига олиб келади. Шу боис, жиноят таркиби объектив ва субъектив белгиларининг мазмунини тўғри тушуниш ва бир хил қўллаш лозим<sup>5</sup>.

**Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларнинг объекти.**

Жиноят ҳуқуқифани ва суд-тергов амалиётида жиноят объектини аниқлаш, уларнинг таснифи, жиноят объекти ва предметининг ўзаромуносабати, объектни тавсифловчи жиноят белгиларини Жиноят кодексида ўрнатиш билан боғлиқ масалалар ҳали ханузгача долзарблигича қолиб келмоқда.

Жиноят объектини тўғри аниқлаш ҳар қандай жиноятнинг юридик мазмун-моҳиятини очиб беришга, уларнинг ижтимоий хусусиятини ўрганишда, ижтимоий хавфли оқибатларни аниқлашда, жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва уларни бир-биридан аниқ фарқлашга оид жиноий ҳуқуқий нормаларни амал қилиш доирасини ўрнатишда асос бўлиб ҳисобланади.

---

<sup>4</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / Р. Кабулов, А. А. Отажонов, Д.Ю. Пайзиев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 36.

<sup>5</sup> Қаландаров М.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Автореф. дисс... фан номз. – Т.: 2011. – Б. 9.



Охирги йиллардаги юридик адабиётларда жиноят объектининг тўртлик таснифига қайтиш тўғрисидаги таклифлар илгари сурилмоқда<sup>6</sup>. ўрганилаётган жиноятнинг объект муаммоларини тадқиқ этишда жиноят объектининг ушбу тўртлик таснифи бўйича амал қилишга ҳаракат қиламиз. Чунки, умумий, турдош, гуруҳдош ва бевосита объектларни ажратиш кўрсатиш нафақат, улар билан қамраб олинган жиноий-ҳуқуқий ҳимоя остида олинган объект сифатида намоён бўладиган, ижтимоий муносабат-ларнинг ҳажмини объектив акс эттиради, балки амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тузилишига ҳам мос келади.

Жиноятнинг умумий объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг умумий йиғиндисидан иборат. Ушбу муносабатларнинг умумлаштирилган рўйхати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида берилган. Демак, умумий объект барча жиноятлар учун бирдир, сабаби ҳар қандай жиноят у ёки бу ижтимоий муносабатларга зарар етказади. Тадқиқ қилинаётган жиноятнинг умумий объекти умумназарий аҳамиятга эгадир. Бироқ, ушбу объектни абстракт категория сифатида тушуниш лозим эмас. Қонун чиқарувчи жиноят қонунчилигини ишлаб чиқишда қайси ижтимоий муносабатлар тизимини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя остига олиш кераклигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг тизимини ишлаб чиққан. Бундан кўришиб турибдики, умумий объект бу борликдаги реал ҳодиса бўлиб, аниқ мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлардан ташкил топган.

Жиноятнинг турдош объекти жиноят қонуни билан муайян турдаги жиноятлардан ҳимоя қилинадиган ўзининг моҳияти бўйича бирҳил турдаги ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг

---

<sup>6</sup>Қаранг: Таджиханов Б. Уголовно-правовые меры борьбы с терроризмом. – Т., 2003. – С. 5–6; Раджабова М. А. Диний экстремизм ватерроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари. – Т., 2002. – 222-223 б.



аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларнинг *турдош объекти* ҳақида жиноят ҳукуқи фанида турлича фикр-мулоҳазалар юритилган.

Хусусан, А.А. Отажонов таҳлил қилинаётган жиноятнинг турдош объекти бўлиб, “аҳолининг соғлиғини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланишини”<sup>7</sup> таъкидласа, А.А. Расулев эса “инсонларнинг соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлиги ҳисобланади” деб фикр билдиради<sup>8</sup>.

Бизнингча, мазкур турдаги жиноятнинг Жиноят кодекси Махсус қисмининг қайси бўлимида жойлашганлигини инобатга олиб, унинг турдош объектини белгилашда қонунчиликнинг тузилиш тартибига кўра белгиланса мақсадга мувофиқ ва расмий-мантиқий қоидага кўра тўғри бўлади. Демак, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларидан иборат жиноятнинг турдош объекти бўлиб, жамоат хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар бўлиб ҳисобланади.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг гуруҳдош (рус тилида видовой дейилади) объекти бўлиб, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимида жойлашган ва алоҳида (аниқ) шахсларнинг соғлиғини муҳофаза этадиган нормалардан фарқли ўлароқ ушбу моддадаги жиноятлар кўпчилик

---

<sup>7</sup>Отажонов А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 7.

<sup>8</sup>Расулев А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 5.



шахсларнинг ёки муайян ҳудуддаги бир қисм аҳолининг соғлиғига хавфтуғдиради. Шунинг учун жабрланувчиларнинг ноаниқ кенг доирасибу турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Тадқиқ қилинаётган жиноятнинг *бевосита объектини* гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотропмоддаларни тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларга нисбатан муомалада бўлишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган. Бундай тартиб учта: **тиббий, ижтимоий ва норматив** мезонларнинг мажмуи хос бўлган восита ва моддаларга нисбатан амал қилиши лозим.

**Тиббий мезон** нуқтаи назаридан Гиёҳвандлик воситалари келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган, марказий асаб тизимига босинқиратувчи, кўзғатувчи ёки галюциноген таъсир қилиб, руҳий ва (ёки) жисмоний тобелигига сабаб бўладиган моддалар киради.

Моддани гиёҳванд воситаси деб топиш учун тиббий мақсадларни кўзламаган ҳолда истъмол қилиниши кўпайиб, кенг миқёсда тарқалганлиги ва бу соғлиқ учун хавф туғдириши муносабати билан улар билан муомалада бўлишнинг алоҳида ҳуқуқий тартибни ўрнатишни талаб қиладиган **ижтимоий мезонни** ҳам инобатга олиш зарур. Тиббий ва ижтимоий мезонлар бирлашиб, воситани Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп модда қаторига киритиш учун ва норматив мезонни ташкил қилувчи махсус норматив ҳужжатда мустаҳкамлаш учун замин яратади<sup>9</sup>.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунгахилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни ҳуқуқийбаҳолашда жиноят предметини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм / М. Рустамбаев. – Тошкент. 2021. – Б. 515.



Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ушбу турдагижиноятларнинг *предмети* бўлиб ҳисобланади. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар» тушунчаси амалдаги Жиноят кодексива бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган. Жиноят кодекси Махсусқисмининг саккизинчи бўлимида *гиёҳвандлик воситалари деб*, «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги БМТнинг 1961 йилги ягона конвенциясининг I ва II рўйхатларига киритилган табиий ёки сунъий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари; *психотроп моддалардеганда* эса БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ёки синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал ҳисобланиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонунининг 3-моддасида<sup>10</sup> гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қуйидагича таъриф берилган:

*гиёҳвандлик (наркотик) воситалари* – гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар (Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган (I рўйхат) ва муомалада бўлиши чекланган (II рўйхат) гиёҳвандлик воситаларининг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада

<sup>10</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-сонли Қонуни 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 210-модда.



бўлишиюзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли қарорининг 4 ва 5-иловаларида келтирилган);

*психотроп моддалар* – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар (Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлишиюзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли қарорининг 6-иловасида келтирилган).

**Прекурсорлар** – прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон республикасида назоратга олинадиган Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар.

**Препарат** – моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган аралашмаси.

**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари** – кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этаувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар<sup>11</sup>.

**Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларнинг объектив томон белгилари.** Ўрганилаётган жиноятнинг объектив томони турли хил фаол

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм / М. Рустамбаев. – Тошкент. 2021. – Б. 517.



ҳаракатларда намоён бўлади: қонуга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш ҳаракатларидан иборат.

Мазкур ҳаракатлар гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласини келтириб чиқаради.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи – бу халқаро-ҳуқуқий ва миллий давлат назорати ўрнатилган Гиёҳванд воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан ижтимоий хавфли ва қонунга ҳилоф равишда содир этиладиган қилмишларнинг йиғиндиси.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлардан иборат жиноятлар диспозицияси бланкетхусусиятга эгаллигини алоҳида эътироф этиш лозим. Яъни, нормаларнинг жиноят таркиби белгиларини шакллантиришда қонунчиқарувчи томонидан муайян қоидаларни бузишнинг айнан қайсиқилмишлар ташкил этиши аниқ кўрсатилмаганлиги (Гиёҳвандликвоситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки уларданфойдаланиш қоидаларини бузиш) ёки моддалар диспозицияларида жиноят предметларининг аниқ рўйхати белгиланмаганлиги сабабли, жиноят предмети ва объектив томонининг хусусиятларини бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги норматив ҳужжатларга мурожаат қилмасдан аниқлаш мумкин эмас<sup>12</sup>. Масалан, бу турдаги қилмишларнинг жиноятпредметини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, унданолиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада

<sup>12</sup> *Отажонов А.А.* Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 57.



бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли қарорининг иловаларида келтирилган Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг 4-иловага мувофиқ I рўйхатига; Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг 5-иловага мувофиқ II рўйхатига; Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг 6-иловага мувофиқ III рўйхатига муурожаат қилиш зарур бўлади.

**Тайёрлаш** – Гиёҳванд воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмолга тайёрлаш ҳолга келтирадиган, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва бошқа аралашмалардан тозалашга қаратилган ҳаракатлардир.

Истеъмолга тайёр бўлган ҳеч бўлмаганда бир дозадаги Гиёҳванд воситаси, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддасини тайёрлаган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

**Олиш** – уларни ҳар қандай усулда, жумладан, сотиб олиш, ҳада ёки бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ёнки қарзни узиш эвазига ўзаро ҳисоб-китоб, шунингдек, бошқа товар ва ашёлар билан алмаштириш сифатида қабул қилиш, топиб олганда ўзлаштириш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар рўйхатига киритилган ёввойи симликлар ёки уларнинг қисмларини териш, таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган экинлар йиғиштирилгандан сўнг қўриқланмай қолган майдонлардан уларнинг қолдиқларини териш ҳисобланиши лозим<sup>13</sup>.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп модда айбдорнинг эгаллигига амалда ўтган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб топилади.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарори, 8-банд.



**Сақлаш** деганда, шахсинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиш (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмайди<sup>14</sup>.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни сақлаш давомли жиноят бўлганлиги сабабли, жиноят тўхтатилган ёки айбдор айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб келган вақтдан бошлаб жиноят **тугалланган** ҳисобланади. Бунда қонунга хилоф равишда сақлаш учун жавобгарлик, унинг давомийлигидан қатъи назар, келиб чиқади.

**Қонунга хилоқ равишда ташиш** деганда, уларни ҳар қандай транспорт туридан ёки ташиш воситаси сифатида қўлланилган қандайдир объектдан фойдаланган ҳолда бир жойдан бошқа жойга, шу жумладан, бир аҳоли пункти доирасида кўчириш, шунингдек, қайд этилган восита ва моддаларни бундай фаолият тури билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик шахсларнинг маъсул шахслари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибни бузган ҳолда ташиш тушунилиши лозим<sup>15</sup>.

Гиёҳвандлик

воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ташишни уларни йўлов вақтида сақлашдан фарқлаш учун айбдор қасднинг йўналтирилганлиги, транспорт воситасидан фойдаланиш мақсади, миқдори, ҳажми ва Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналогларининг жойлашган жойини инобатга олиш лозим. Хусусан, шахс томонидан, шахсий истеъмол мақсадида Гиёҳвандликвоситалари, уларнинг аналогларини йўлда сақлаш ҳолатларини

<sup>14</sup> Ўша манба, 6-банди

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўрисида”ги 12-сонли қарори, 9-банди



ноқонуний ташиш деб топиш мумкин эмас. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш бошланган вақтдан эътиборан ташиш **тамом бўлган** ҳисобланади.

**Қонунга хилоф равишда жўнатиш** деганда, шахснинг почта алоқаси, ҳаво ёки бошқа транспорт туридан фойдаланиб, уларни почта жўнатмалари, посилкалар ёки юк (богаж) сифатида. Шунингдек, ўзи бевосита иштирок этмаган ҳолда кўчиришга қасддан қаратилган ҳаракатлари тушунилиши лозим<sup>16</sup>.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ҳар қандай усулда жўнатган вақтдан бошлаб жўнатиш **тамом бўлган** ҳисобланади.

**Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларнинг субъектив томон ва субъект белгилари.**

Жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгилари ўртасида ўзаро алоқа ва узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, ҳар бир белги бошқалари билан биргаликда мавжуд бўлади ва ажралмас бир бутунликнинг зарурий қисмини ташкил қилади<sup>17</sup> Субъектив белгилар жиноятнинг субъекти ва субъектив томонини таърифлайди<sup>18</sup>.

Ҳар қандай жиноят таркиби каби, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг субъектив томони деганда, «айбдорнинг ўзи содир этган, жиноят қонунида жиноят сифатида кўрсатилган

<sup>16</sup>Ўша манба, 10-банди.

<sup>17</sup> Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik / A.S. Yakubov, R. Kabulov va boshq. — Т.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2009. — б. 96.

<sup>18</sup>Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. — Т.: «ILM ZIYO», 2006. — 608 б.



ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатларига бўлган рухий муносабати»<sup>19</sup> тушунилади.

Таҳлил қилинаётган жиноятининг субъектив томони мазмунан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган белгилари: айб, мақсад ва мотив ёрдамида очиб берилди. Бунда ушбу турдаги жиноятининг субъектив томонининг зарурий белгиси — айб, факультатив белгилариси эса мақсад ва мотив ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Шахс қонунга хилоф равишда Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар тайёрланаётганлиги, сотиб олинаётганлиги, сақлаётганлигини ва бошқа ҳаракатлар содир этаётганлигини англайди ва мазкур қилмишларни хоҳлайди.

---

<sup>19</sup>Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. — Т.: «ILM ZIYO», 2006. — 608 б.